

**АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИДА ЕР ЭГАЛИГИ  
МУНОСАБАТЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19797470>

*Тошкент давлат аграр университети  
“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси  
ўқитувчиси. Саломов Элмурод Эргашевич*

**Анатгация:** Ушбу мақола Амир Темур ва Темурийлар даврида ерга эгалик муносабатлари, қишлоқ хўжалиги ва уларга ишлов бериш, чорвачилик каби соҳоларга оид маълумотлар бирламчи манбалар асосида акс эттирилган.

**Таянч сўзлар:** Давлат ерлари, суюрғол ерлар, коризлар, обикор ерлар, мулк, ўтроқ ҳаёт, бегор.

Юртимизда барча соҳалар сингари юртимиз тарихини ўрганиш ва уни келажак авлодларга етказиш соҳасида бир қанча ҳуқуқий ислохотлар қабул қилинди. Бу ишлар бу соҳага қаратилган ишларни янада кучайтириди. Жумладан, А.Темур ва темурийлар даврида олиб борилган ишлар, юрт ободончилиги, қишлоқ хўжалиги каби соҳалар ривож топган. Лекин бу даврда қилинган ишларни бирлачи манбалар асосида ўрганиш йилдан-йилга давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Ҳазрати Одамдан бошлаб ер учун даъво қилиш, ер билан узвий боғлиқ ҳолда яшаш бошланганини кўрамиз. Ислом ҳуқуқининг асосий манбаи бўлган Қуръонда турли муносабатлар билан инсон ва унинг ер билан бўлган алоқалари тилга олинган. Ер юзи инсон учун тирикчилик манбаи экани таъкидлангани сайин, бу жиҳатдан инсоннинг унга бўлган муносабати янада кучаяди.

Қуръонда ер-мулк масаласини батафсил тартибга солувчи илоҳий ҳукмлар кам учрайди. Гарчи инсон учун ер турли манфаатлар келтириши ҳақида жой-жойида ишора қилинган бўлса-да, унинг ҳуқуқий мақомига доир Қуръандаги Сурах Ал-Анфал сураси оятлари мавзуимизга далил бўла олади.

«Сендан уруш ўлжалари (ғаниматлар) ҳақида сўрайдилар. Айт: ғаниматлар Аллоҳ ва Унинг Расулиникидир. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳдан кўрқинглар, ўзаро муносабатларингизни тўғриланглар ҳамда Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат қилинглар»<sup>6</sup>.

Ҳар қандай жамият давлат бўлиши учун муайян белгиларга эга бўлиши лозим. Шу белгиларнинг энг муҳими -ҳудуд (мамлакат, ер) ҳисобланади. Чунки ҳар бир мустақил давлат ўз ҳуқуқ ва ваколатларини мутлақ равишда амалга ошира оладиган, аниқ чегаралар билан белгиланган муайян ҳудудга эга бўлиши шарт.

Исломдан олдинги турклар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Дастлаб хусусий мулк ҳуқуқи бутун бир уруғга тегишли бўлган. Вақт ўтиши билан

<sup>6</sup>.Қуръони Карим маъноларининг ўзбекча таржимаси (Абдулазиз Мансур):  
Анфол сураси 1-оят 177-бет

қабул қилинган ер қонунлари ернинг шахсий мулкка айланишига сабаб бўлди. Исломдан олдинги турк давлатлари қисман ўтроқ ҳаёт кечирган бўлсалар-да, асосан кўчманчи турмуш тарзи ва анъаналарига мос мулк тушунчасига эга бўлганлари маълум.

Маълумки, чорвачилик кўчманчи жамиятларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Мол-хайвонлар учун яйлов вазифасини ўтагани сабабли ер кўчманчилар учун жуда муҳим аҳамиятга эга эди; яйловлар алоҳида шахсларга эмас, балки қабила ёки жамоа мулки ҳисобланган. Қадимги туркийларда хусусий мулкка кирувчи ерлар қабиланинг умумий мулки бўлган ерларни тақсимлаш ҳамда шахс ёки қабилага тегишли бўлмаган бўш ҳудудларни ўзлаштириш орқали шаклланган. Хусусий мулк эгаси ерга тўлиқ эгалик қилар эди<sup>7</sup>.

Ислом тамаддуни доирасида алоҳида бир даврга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган Темурийлар давлатининг ер сиёсатини ҳақиқатдан ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Темурийлар, кўплаб муассасаларда бўлганидек, ер масаласида ҳам ўзидан олдинги мусулмон давлатлар амалиётларидан фойдаланган. Улар учун бу амалиётга беътибор қараш ҳам мумкин эмас эди. Шу сабабдан, давлат хали ҳокимлик босқичида бўлган пайтда ҳам, исломий тизимнинг жорий этилиши учун ҳаракат қилинган.

Шу боис, бу мусулмон элементлар (қочқинлар билан келган ва чегараларда яшаган кўчманчи мусулмон турклар) Темурийлар давлатини сиёсий ва маданий жиҳатдан анъанавий Ислом урф-одатларини тиклашга интиладиган давлатга айлантиришда муҳим роль ўйлаган. Амир Темур ва унинг меросхорлари тадрижан “султон”лар мақомига эришган. Улар атрофида эса, тил ва қавмдан кўра, дин ва маданият асосида шаклланган бир “Темурийлар жамияти” тузилган.

Асосий турк элементлари билан боғлиқ аҳолини чет ҳудудларда жойлаштириш, уларга ер бериш ва зарур пайтда ҳарбий куч сифатида фойдаланиш ғоясидан келиб чиққан. Шу тарика, секин-аста ерга боғланган кўчманчилар нафақат турмуш тарзида мутаносиб бўлиб қолмасдан, балки давлат учун мустаҳкам ҳарбий таяниш нуқтасига айланган. Бу усулнинг аҳамияти ва самараси, айниқса, Марказий Осиёнинг янги қўлга киритилган ҳудудларида янада очиқ кўринган. Қисман урушларда ёки забт этилган, ёки ўз жойларида қолдирилган маҳаллий аҳоли қолдиқлари орқали кенг ҳудудлар Темурийлар давлатининг кузатиб борган улуш тизими орқали секин-аста туркийлаштирилган<sup>8</sup>.

Темурийлар давлатининг асосланиши шу давргача ер тақсимоти ва бошқаруви юзасидан қўлланиб келинаётган усулларда ўзгача хусусиятларни пайдо қилган. Амир Амир Темур ўзидан олдинги мусулмон турк давлатларидан муваффақиятли ўрганиб олган ер эгалигидаги ўзига хос тизимни жорий қилган. У забт этган барча ҳудудларни ўз ҳарбий шериклари ва аскарларига мулк сифатида тақсимлар эди. Ҳар

<sup>7</sup> Гениш Билги Ичин ва бк. Осман Туран "Икта", ИА., VIII, 950-963.1965.

<sup>8</sup> İlk Devirler İslâm Arazi Hukuku ve Tatbikati, sehife 52, 53.1956.

бир жойда аҳоли билан ҳамкорлик қилиш ва уларнинг эркинлигига ҳурмат қилиш билан кўшинда қочишларига йўл қўймаган<sup>9</sup>.

Шу тариқа, Темурийлар давлатида ер билан боғлиқ сиёсат нафақат иқтисодий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган, балки давлатнинг маданий ва диний асосларини мустаҳкамлашда ҳам муҳим рол ўйнаган.

Давлат ерларини ҳукмдор сулола вакиллариغا, йирик ҳарбий раҳбарларга, давлатнинг юқори лавозимли амалдорларига суюрғол тарзида инъом қилиш кенг тарқалган эди. Бутун бир шаҳар ёки йирик вилоятлар ҳам суюрғол сифатида берилганлиги манбалардан маълум. Суюрғол эгаси ўзига инъом қилинган ерларга амалдорлар, солиқчилар тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган. Суюрғол ёрлиғига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга фақат номигагина қарам бўлганлар. Аммо бу уларнинг тўлиқ, мустақил бўлганликларини билдирмайди, суюрғол эгалари марказий ҳокимият чиқарган қонун ва фармонлар доирасидан четга чиқа олмаган. Суюрғол эгаси бу тартиб-қоида бузган ҳолларда ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Экиладиган ерларнинг салмоқли қисмини мулк, яъни хусусий ерлар ташкил этарди. Мулк ерларнинг катта қисми зодагонлар, ҳарбий ва диний арбоблар қўлида эди. Давлат учун катта хизмат кўрсатганларга тархонлик ёрлиғи бериш кенг жорий қилинган. Тархонлик ёрлиғини олганларга катта имтиёзлар берилган, улар барча солиқлардан озод қилинган. Тархонлик ёрлиғи кўп ҳолларда алоҳида хизматлари учун амирлар, беклар, сайидлар ва юқори табақага мансуб шахсларга берилган. Бундай ёрлиқни олган шахсларнинг исмига "тархон" сўзи қўшиб ишлатилган. Ас-тасекинлик билан мамлакат ижтимоий ҳаётида тархонларнинг нуфузи ошиб боради ва улар у ёки бу ҳо-кимнинг тақдирида ҳал қилувчи рол ўйнай бошлайдилар.

XIV-XV асрларда деҳқончилик ерларининг айрим қисм-лари қишлоқ аҳолисининг, жамоаларнинг мулки ҳисобланган. Мулкчиликнинг бу шакли ҳам сувли ва тоғолди ҳудудларида бирмунча кенг тарқалган. Ерга жамоа бўлиб ишлов берилган. Амир Темур давлатчилик қонун-қоидаларини бир неча асрлик тарихга эга бўлган ўзбек давлатчилиги анъаналарига ҳамда шариат қоидаларига асосланиб яратган эди. Амир Темур жорий этган солиқ тизимлари ва иқтисодий тартиб-қоидалар бугунги кунда ҳам жаҳоннинг етакчи давлатларида қўлланилиб келинмоқда. Масалан, бугунги кунда барча давлатларда даромаддан олинадиган солиқ турини дастлаб Соҳибқирон жорий этган эди. "Тамға" номи билан аталган бу солиқ савдо-сотик ва хунармандчиликдан олинган бўлиб, Соҳибқирондан олдин жорий қилинмаган эди. Европа давлатларида ҳали давлат бюджети ҳақида тасаввур ҳам бўлмаган бир даврда Амир Темур ўз давлати миқёсида бюджет жамғармасини жорий қилган эди.

Амир Темур ўз давлатида адолатли солиқ тизимини жорий қилганлиги кўплаб тарихий манбаларда қайд этилган. Солиқлар ундиришда тўрт тамойилга амал қилинган. Биринчиси – солиқ солиш ва ундиришда адолатпарварлик принципларига асосланиш. Бу – солиқлар миқдорини фуқароларнинг даромадларидан келиб чиқиб

<sup>9</sup>[Tarih, Âşık Paşazâde Tarihi, Âşık Paşazâde Derviş Ahmed](#) s:24. 1993.

белгилашни билдирар эди. Солиқ ундиришнинг иккинчи тамойили аниқлик тамойили эди. Унга биноан солиқ тўлови, унинг ҳисоблаш усули, тўлаш муддати олдиндан аниқ белгиланган. Учинчи тамойил бу солиқ ундиришни аҳолига қулай вақт-да амалга оширишдан иборат эди. Фуқароларга ғам-хўрлик қилиш мақсадида жорий қилинган тўртинчи тамойил – солиқ тизимларини доимий равишда такомиллаштириш, солиқ йиғиш харажатларини муттасил камайтириб боришни кўзда тутар эди. Солиқ йиғувчиларнинг иш ҳақлари солиқ тўловчиларнинг зиммасида эди. Бу ҳол фуқароларнинг елкасига қўшимча юк бўлиб тушар эди. Амир Темур халққа енгиллик бериш учун солиқ тўловчиларга хазинадан махсус ойлик белгилаб қўйган.

Амир Темур янги ерларни ўзлаштирганлар, ташлаб кетилган ерларга ишлов берганлар, чўлга сув чиқариб, обод қилганларни маълум муддат солиқдан озод қилган. Шунинг учун катта-катта шаҳарларнинг аҳолисини бир неча марта солиқлардан озод этган, айрим солиқ турларини батамом бекор қилган. Бу ҳақда Амир Темур ўз "Тузуқлар"ида "Амр этдимки, ҳеч бир шаҳар ва қишлоқда одамлардан жон солиғи, уй солиғи олмасинлар. Сипоҳийлардан бирон киши раъиятнинг хонадонига зўрлик билан келиб тушмасин, раиятнинг от-уловини тортиб олмасин"<sup>10</sup>, деб ёзган эди. Юқорида келтирилган маълумотлардан англашиладики, Амир Темур донишманд, тадбиркор давлат арбоби сифатида ўз давлатида адолатли солиқ тизимини жорий этган ва бунинг самараси туфайли давлатнинг иқтисодий қудрати ошиб борган<sup>11</sup>.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Амир Темур ва Темурийлар даврида ерга эгалик муносабатлари қандай бўлганлиги ва унинг амалга оширилиш тизими тўғрисида кам маълумотлар мавжуд. Бутун дунёнинг қизиқиши ошиб бораётган бу дарвда, бирламчи манбалар асосида ҳолисона ўрганишга талаб ҳам ортиб бормоқда. Лукин бугунги кунда бу даврни ўрганиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиз ҳисобланада.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Куръони Карим маъноларининг ўзбекча таржимаси (Абдулазиз Мансур): Анфол сураси 1-оят 177-бет.
2. Гениш Билги Ичин ва бк. Осман Туран "Икта", ИА., VIII, 950-963.1965.
3. İlk Devirler İslâm Arazi Hukuku ve Tatbikatı, sehife 52, 53. 1956.
4. [Tarih](#), [Âşık Paşazâde Tarihi](#), [Âşık Paşazâde Derviş Ahmed](#) s:24. 1993.

<sup>10</sup><https://www.temurtuzuklari.uz>. Салтанатни идора қилиш тузуки

<sup>11</sup><https://zarnews.uz/uz/post/amir-temur-davrida-yer-egaligi-va-soliq-tizimlari>. Qo'ziboy MAMARAIMOV, Xalqaro Amir Temur jamg'armasi viloyat bo'limi raisi.